



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 12 апрель № 15 (192) ●

Сотувда нархи эркин

## АЛОҚА ИНСТИТУТИГА РАҚАМЛИ АТС СОВҒА ҚИЛИНДИ



ника алоқа институтига ДТС - 1100 туридаги 250 рақамга мўлжалланган рақамли АТС совға қилди.

Шу муносабат билан институтда ўтказилган маросимда ўқитувчи ва талабалар, Алоқа вазирлиги ва корхоналари раҳбар мутахассислари, «ДЭУ-Телеком» фирмаси раҳбарлари иштирок этишди. Алоқа институти ректори, академик Т. Д. Ражабов ва Алоқа вазири

коммуникация тармоқлари тараққиёти йўлида ҳамкорликда бошланган жуда улкан ишларнинг рамзий белгиси сифатида хизмат қилади дея фикр билдиришди.

Институтда бўлиб ўтган янги АТС тақдимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К. Р. Раҳимов, Сеулдан ташириф буюрган «ДЭУ-Телеком» фирмаси раиси жаноб Пак Санг Кю, «ДЭУ-Корпо-



Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш борасида хорижий ҳамкорлар билан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзаро ҳамкорлик жараёнларида Жанубий Кореянинг «ДЭУ-Телеком» фирмаси фаол иштирок этмоқда. Ушбу фирма иштирокида Фарғонада 50,0 минг рақамли АТС қурилиб, фойдаланишга топширилди, Сирдарё вилоятида 40,0 минг рақамга мўлжалланган янги АТС жиҳозлари монтаж қилинган бўлса, Андижон вилоятида 20,0 минг ва Бухорода 30,0 минг, Тошкент вилоятида эса 45,0 минг рақамли янги АТСлар қурилмоқда. Урганч шаҳрида алоқа заводи қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Бу завод 1996 йил июль ойидан бошлаб ДТС-2000, 3000, 1100 линияга мўлжалланган рақамли АТС маҳсулот-

ларини ишлаб чиқара бошлайди.

Ана шундай замонавий алоқа техникаси ва иншоотлари билан иш олиб бориш учун маънавий алоқа мутахассислари зарурдир. Алоқа институти, коллежи талабалари янги, рақамли техника билан фақатгина дарсликлар орқали эмас, балки амалиётда ҳам танишишлари керак бўлади. Алоқа корхоналарида меҳнат қилаётган муҳандис, техник ходимлар ҳам янги техника ва технология сирларини мукаммал ўзлаштиришлари жоиздир.

Шунинг учун ҳам Алоқа институтида янги АТСларда хизмат қиладиган алоқа ходимлари учун ўқув курслари ташкил қилинган. Бирок бу олий ўқув юртида замонавий телефон станцияси жиҳозлари йўқ эди. Бу муаммага ҳам «ДЭУ-Телеком» фирмаси ўз эътиборини қаратиб, Тошкент Электротех-

Т. Ф. Раҳимов корейлик ҳамкорларни электралоқа соҳасида олий тоифали мутахассислар тайёрлайдиган Марказий Осиёдаги ягона Алоқа институти моддий-техника базасига эътибор берганлиги ҳамда қимматбахо совға учун миннатдорчилик билдиришди. Янги АТС фақатгина ўз хизмат вазифасини бажариб қолмасдан, балки ўқув машғулотларида ҳам асқотиши алоҳида таъкидланди. Маросим қатнашчилари мазкур совға — «ДЭУ-Телеком» фирмаси билан Ўзбекистон теле-

рейшнинг Марказий Осиё минтақасидаги ижрочи директори жаноб Чанг Хи Чу, «ДЭУ-Телеком»нинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси Бош директори жаноб Чанг Сун Хун жаноблари иштирок этишди.

Алоқа институтининг янги АТСи негизда дастлабки амалий-ўқув машғулотлари ўтказилди.

А. КУДИНОВ

Суратқаш  
Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ва алоқа ходимлари касабата уюшмаси Марказий Қўмитаси алоқачиларнинг фарзандларини ёзги

Шу ерининг ўзида Алоқа вазири Т. Ф. Раҳимов ва республика алоқа ходимлари касабата уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Н. Назаржонов

алоқасини тиклаш, Тошкент шаҳри билан алоқа қилиш учун радиоузатиш қурилмасини ўрнатиш Тошкент вилоятида электралоқа корхонаси ва бошқа корхоналар зиммасига юклатилди. Шунингдек, республика радиозащиттириш, радиоалоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси оромгоҳ радиотармоғи ишини йўлга қўйди, 4 та ўйин компьютерлари ва шунча миқдорда телевизор совға қилиб, болаларни хурсанд қилади. Оромгоҳ учун «Камалак-ТВ» ўзбек-америка қўшма корхонаси эфир-кабель теледастурлари узатишни ташкил қилса, «Ўздуробита» қўшма корхонаси болалар масканига уяли телефон ўрнатиб беради.

Шаҳарлараро телефон-телеграф станцияси ва Шаҳарлараро алоқа ва телевидение

худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси «Саломатлик» номи спорт машғулотлари жиҳозларини ўрнатади. «Промсвязь» хиссадорлик жамияти оромгоҳдаги техника жиҳозларини қайтадан таъмирлайди.

«Ўзбектелеком», «Ўзбекистон почтаси» концернлари, «Алоқинвест» хиссадорлик жамияти, «Алоқабан» ва бошқа корхоналар оромгоҳни ёзги мавсумга тайёрлаш ишлари учун зарур бўлган пул маблағларини ажратади. Алоқачилар касабата уюшмаси эса оромгоҳ учун йўланмалар ажратиш, тарбиячилар тайёрлаш, тиббий хизмат кўрсатиш ва сифатли овқатланишни ташкил қилади.

Бир сўз билан айтганда, кўпма йиғилишда хайрли ишлар учун барча зарур чора-тадбирлар белгиланди.

А. ДАРВЕШОВ

## КЕЛАЖАГИМИЗ ҲАҚИДА ҒАМҲҲҮРЛИК

дам олишларини ташкил этиш борасида бир қатор тадбирлар белгиланган эди.

Яқинда вазирлик ходимлари, алоқа корхоналари раҳбарлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган «Алоқачи» болалар соғломлаштириш лагерида бўлишиб, оромгоҳни янги мавсумга тайёрлаш учун сид-қидилдан меҳнат қилдилар.

раҳбарлигида кўчма йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда «Алоқачи» болалар дам олиш маскани жорий таъмирлашга ўта муҳтож эканлиги қайд этилди. Таъмирлаш ҳамда зарур асбоб-ускуналар сотиб олиш учун Алоқа вазирлиги жамғармасида 12,0 миллион сўм ажратилган бўлди.

Соғломлаштириш масканидаги ички ва ташқи телефон

\* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 апрель кунин Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) комиссари Ханс Ван Ден Брук раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

\* 8 апрель кунин Вазирлар Маҳкамасида муборак Хаж сафарини ташкил этиш юзасидан тузилган республика комиссиясининг яқунловчи йиғилиши бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов бошқарди.

\* 9 апрель — буюк бобомиз, соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун республи-

**ОПАМДА  
НИМА ГАП?**  
\* Янгиликлар  
\* Воқеалар  
\* Хабарлар

ликаимизда катта байрам сифатида нишонланди. Жойларда илмий анжуманлар, учрашувлар, кўргазмалар, турли тадбирлар ташкил этилди.

\* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида Фармон чиқарди.

\* «Франция — Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи президенти жаноб Ф. Трюос бошичилигидаги Франция сенаторлари делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқдалар.

\* Россия Президентини Борис Елцин воситачилар орқали Жоҳар Дудаев билан музокаралар ўтказишга тайёр эканлиги тўғрисида баёнот берди. Бу воситачиликни Татаристон ва Козогистон Президентлари Минтемир Шаймиев ва Нурсултон Назарбоев ўз зиммаларига олиш ниятда-лар.

\* Россия Марказий сайлов комиссияси Либераль-демократик партиясининг етакчиси Владимир Жириновскийни президентликка учинчи номзод сифатида рўйхатга олди.

\* Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов яқин икки йил ичиде аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш вазифасини қўйди.

\* Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташириф билан Вьетнамга келди.

\* Япония Боснияга 180 миллион долларга яқин бера-раз ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

\* АҚШ жиноятчиларининг навбатдаги қурбони украиналик, кикбоксинг бўйича мамлакат чемпиони Николай Ко-нивец бўлди. Унинг жасади Нью-Йоркнинг Бруклин туманидаги кварталларнинг бирида топилди. Чемпион отиб ўлдирилган.

## Каримжон САИДОВ: АЛОҚАЧИЛИККА ЎҚИГАНИМДАН АФСУСЛАНМАЙМАН

Каримжон Саидов тажрибали ҳуқуқшунос. Тошкент шаҳридаги Сирғали туманида, Тошкент шаҳар судида судья бўлиб ишлаган. 1991 йилдан Олий суд судьяси вазифасида фаолият кўрсатмоқда. Мухбиримизнинг Каримжон ака билан суҳбати судлов ишлари ҳақида эмас, алоқа ва алоқачилар хусусида бўлди. Гап шундаки, Каримжон Саидов бир вақтлар Тошкент Алоқа техникумини (ҳозирги Алоқа коллежи) битириб, алоқа соҳасида ишлаган.



— Каримжон ака, олис ўсмирлик йилларингизни эслаб, Алоқа техникумига қандай қилиб ўқишга ки-

риб қолганингизни гапириб берсангиз?

— Уша пайтда ўн тўрт ёшда эдим. Саккизинчи синфни битираётганимизда икки синфдош дўстимиз билан қайси касбни танласак экан дея бош қотира бошладик. Касблар кўп, бири-биридан яхши. Қай бирини танлаш масаласида иккиланардик. Шунда дўстларимдан бири Тошкентда Алоқа техникуми бор экан, ўша ерга кириб ўқимаймизми, деб қолди. Таклиф менга маъқул тушди. Алоқачилик касби сирлилиги, қандайдир бир мўъжизаси билан ўзига тортар эди. Шундай қилиб, 1966 йили уч ўртоқ Алоқа техникумига ҳужжат топшириб, кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтдик. Шу тариқа биз алоқачилик касбини ўрганишга киришиб кетдик. Мана шунга ҳам ўттиз йил бўлибди.

Мен шу ўтган ўттиз йил давомида Алоқа техникумида ўқиганимдан фахрландим, гуруландим, асло афсусланганим йўқ.

— Шунга қарамай кейинчалик касбингизни бутунлай ўзгартириб юбордингиз...

— Менинг раҳматли акам Комилжон Саидов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда хизмат қиларди. Уларнинг таъсири тўғрисида менда ҳуқуқшунос бўлиш орзуси туғилди. Кейинчалик шу соҳага ўтиб кетдим.

Бироқ менинг ҳаётда ўз ўрниmini топиб олишимда Алоқа техникуми алоҳида ўрин тутарди.

Бу илм масканида устозларимдан олган ҳаётий сабақлар, уларнинг маслаҳатлари ҳақиқатда ҳам менга катта ёрдам берди. Шунинг учун ҳам уларни чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан эслайман.

Хали-хали эсимда, техникумда бир йилча ўқигач, мен бу соҳага ўзимни тўла бағишлай олмастлигимни сездимми, ўқишдан совий бошладим. Мендаги ўзгаришларни пайқаган бўлим мудиримиз Фарид Валиев менга насиҳат қилдилар: «Ҳаётда бирон нарсага эришиш учун албатта ўқиш, меҳнат қилиш керак. Ўқишни давом эттирсанг ҳам ўрта маълумот оласан, ҳам бир касбнинг эгаси бўласан, сўнг истаган институтда ўқийверишинг мумкин. Алоқачилик ҳам бир куни сенга асқотиб қолади» дедилар.

Ана шундан кейин фикримни бир жойга жамлаб, ўқишга енг шимариб киришдим. Шуккур Набиев, Мансур Алиев (Оллоҳ уларнинг руҳини шод қилсин) каби устозлар касб сирларини эринмай ўргатдилар.

1970 йили ўқишни тугатгач, Тошкентдаги 44-АТСда телефон техник бўлиб ишлаб бошладим. Шу йили ҳарбий хизматга чақирилдим. У ерда ҳам алоқа қисмида хизмат қили-

шимга тўғри келди. Устозларим айтганидек, кадрдон техникумда олган билимим асқотди. Қийин, мураккаб ва масъулиятли топшириқларни кўнгилдагидек бажара олганимда, бунинг учун кўмондонлик томонидан ташаккурномалар эълон қилинганда устозларимни мамнуният билан асладим. Алоқачиликка ўқиганимдан афсусланмадим.

Ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг тайёрлов курсига ҳужжат топширдим. Техникум дипломи мен учун аттестатнинг ўрнини босди. Шу тариқа мен соҳамни ўзгартирдим.

— Алоқа техникуми билан алоқангиз давом этдимиз ёки...

— Халқимизда бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бериш керак, деган доно нақл бор. Алоқа техникуми биз учун ҳамisha муқаддас даргоҳ, чунки у бизни тарбиялади, билим берди. Катта ҳаётга шу ердан йўлланма олдик. Шунинг учун ҳам бу даргоҳни унутишга ҳаққимиз йўқ. Мен Тошкент шаҳар судида ишлаётганимда техникумга тез-тез келиб, ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ўтказиб турдим.

Яқинда Алоқа коллежида ўтказилган Наврўз байрамига кўплар қатори мени ҳам таклиф эттишти. Бордим. Жуда кўп устозларим билан кўришдим. Уларни соғ-саломат, шод-хуррам кўриб, бошим осмонга етди. Коллеж директори Эркин Иқболевич Нуриддинов биз би-

ринчи курсни тугатаётганимизда техникумимизга раҳбар бўлиб келган эдилар. Агар менга ҳақиқий муаллим, устоз қандай бўлиши керак деган савол билан муурожаат қилишса, мен биринчи навбатда ҳурматли Эркин акани мисол қилиб кўрсатган бўлардим.

— Алоқачиларнинг меҳнатини қандай баҳолайсиз? Уларнинг иш шартлари, иш сифати Сизни қаноатлантиради-ми?

— Алоқачилик ниҳоятда машаққатли, масъулиятли ва шарафли касб. Бу соҳанинг заҳматкашлари ҳар қанча эъзозланса арзийди. Афсуски, биз уларни гоҳо фақат телефоницист ишдан ўтказиб қолган пайтдагина эслаймиз.

Алоқачилар катта қийинчиликларни бошидан ўтказди. Ҳозир вазият ўзгарди, дунёдаги мана-ман деган фирмалар билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Дунёнинг исталган нуқтаси билан алоқа ўрнатиш имкониятлари туғилмоқда. Бу хайрли ишлар алоқачиларнинг фидокорона меҳнати тўғрисида амалга оширилмоқда. Мавриди келганда мен барча алоқачи устозларимга, дўстларимга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайман.

Шохруҳ АКБАРОВ  
суҳбатлашди



СУРАТДА: Бекобод шаҳар электралоқа тармоғи 3-АТСнинг станция муҳандиси Иброҳим ЖАББОРОВ ва муҳандис Ленура ВЕЛИШАЕВАлар иш устида.

Суратқаш Солиҳ ЗОИР

## ОРҚАГА ҚАЙТИШ ЙЎҚ

Президентимиз И. Каримовнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти сессиясида қилган маърузасини ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан қилган суҳбатини тинглаб, тутган йўлимиз энг мақбул йўл эканига яна бир марта ишонч ҳосил қилдим.

Сўнги вақтда Россияда коммунистлар кўрсатаётган найранглар кишини гашини келтиради. Аввал парламентгача бўлган

сайловларда халққа фаровонлик ваъда қилган зюгановчилар мақсадига эришгач, тинчиб қолишгандек эди. Бироқ Президент сайлови «мусобақаси» эълон қилиниши билан улар яна ташвишга тушиб қолишди.

Россия Федерацияси Давлат думасининг собиқ СССРни қайта тиклашга уриниши биз Қашқадарё вилояти алоқачиларини ҳам ташвишга солиб қўйди.

Биз Президентимиз Ислом Каримовнинг бу борада

Россия Президенти Борис Ельцинга юборган баёнотини, Олий Мажлис кенгаши қарорини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз.

Шукурлар бўлсинки, бугун Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлидан дадил бориб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўринни эгалламоқда. Биз истиқлол ва истиқбол йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Ўрол ХОЛМЎМИНОВ,  
Фузур туман почта алоқа боғламаси бошлиғи

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири Т. Ф. Раҳимов ва Исроил давлатининг Алоқа вазири Шеламид Алони хонима, «Безек» компаниясининг Бош директори Исҳоқ Каул ҳамда Ўзбекистоннинг Исроилдаги

иборат тўғридан-тўғри фазовий алоқани йўлга қўйишда ўзаро шартномага мувофиқ исроиллик ҳамкорлар лойиҳани маблағ билан таъминлашда, зарур жиҳозларни етказишда жонбозлик кўрсатишди. Халқро алоқаларни

## АЛОҚА КАНАЛИ ОЧИЛДИ

консули Рустам Исаев ўртасида 15 дақиқалик телефон сўзлашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси барча давлатлар учун очик бўлиб, ҳукуматлараро ва тармоқлараро ҳамкорлиқни кучайтириш борасида фаол ташки сиёсат юргизмоқда. Юқорида қайд этилган телефон сўзлашуви тўғридан-тўғри фазовий алоқа орқали дастлабки сўзлашуви эди. Исроилнинг «Безек» фирмаси ҳамда республикамизнинг алоқа мутахассислари ҳамкорликда фойдаланишга топширган, фазовий алоқанинг 8 та каналларида бўлиб ўтган сўзлашувларда асосий эътибор телекоммуникация тармоқларини тараққий эттириш борасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, Ўзбекистондаги алоқа курилиши лойиҳаларида фаол иштирок этишга қаратилди.

Бундан уч йил муқаддам Япониянинг «НЕК» фирмаси иштирокчида Тошкентда 150 та каналга мўлжалланган йўлдош алоқа станцияси ишга туширилган эди. Ҳозирга қадар Ўзбекистон ва Исроилдаги мижозлар шаҳарлараро сўзлашувларида ушбу станциянинг умумий алоқа каналларидан фойдаланиб келишмоқда.

Саккизта алоқа каналидан

бошқариш Маркази ва бошқа корхоналарнинг мутахассислари ускуналарни ўрнатишда ҳамда Россия билан «Горизонт» йўлдош алоқа тизимидан фойдаланиш тўғрисида келишиб олишди. Дастлабки синов натижалари ижобий бўлгани боис фазовий алоқага асосланган 8 та алоқа канали доимий фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги кунда ушбу каналлар қувватини ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида каналлар сонини 30 тага етказиш мўлжалланган. Исроиллик ҳамкорлар эса алоқа каналлари сонини 120 тага етказиш таклифини билдиришмоқда. Айни пайтда ҳамкорлар томонидан икки йилга мўлжаллаб 308,0 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилган.

Тўғридан-тўғри алоқа каналлари орқали Ўзбекистон ва Исроил билан бўлиб ўтган дастлабки сўзлашуви алоқа тизимини ривожлантириш борасида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликнинг бошланишидир.

К. ТўЛАГАНОВ

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент шаҳридаги 11-алоқа бўлимининг етакчи иқтисодчиси Фарида МИРИСОҚОВАни 15 апрель — таваллуд топанг кунини билан чин дилдан табриклаб, ишларида омад, сўхат-саломатлик тилаймиз.

ЖАМОА АЪЗОЛАРИ

Катта шаҳарда яшовчи Фоний исмли кишининг учта дўсти бор эди. У дўстларининг икки-тасига каттиқ суянар, уларга ишониб хоҳлаган ишни қилиб юрар, учинчисига у қадар эътибор бермасди.

Бир кун Фонийни шаҳар ҳокими ҳузурига чақиртирди. Унга юклатилган вазифа ҳисоб-китоб қилиниши керак эди. Ҳоким шаҳар аҳолисининг, шулар қатарид Фонийнинг ҳам ҳамма ишларини, ҳатто ички туйғуларига-ча биладиган зукко эди. Ундан ҳеч нарса ни ашириб бўлмас, софидил кишилар марҳаматидан қанча умидвор бўлсалар, ёмонлар адолатидан қаттиқ кўрқар эдилар.

Фоний ўзининг, унча-мунча айблари борлигини биларди. Шу боис Ҳоким ҳузурига яқка киришга кўрқди. Бошқа ишларидаги каби, Ҳоким олдида бирга боришга икки дўстидан илтимос қилди. Биринчи дўсти афтини бўжмайтириб, кўполлик билан рад қилди. Иккинчиси аввалига «хўп, хўп» деди, сўнг маҳумама эшигигача кўзатиб, ичкарига кирмаслигини мулойимлик билан ташутирди.

Фоний учинчи дўстини эсламади ҳам... Фоний яқка Ҳоким ҳузурига кирди. Караса, учинчи дўсти Ҳоким ёнида турибди... Ҳисоб-китоб қаттиқ бўлди, баъзи хатолар ва қусурлар очик айтилди. Жазодан қўрққан Фонийнинг оёқлари қалтирай бошлади. Шунда учинчи дўсти Ҳокимга баъзи нарсаларни айтди... Ҳоким Фонийнинг жазосини афв этди, ҳатто муқофот ҳам берди...

Бу ҳикоя бутун инсониятга тааллуқли. Ҳаммамиз — Фонийнинг. Ҳоким — бутун оламни яратган, баъзи тўғри йўлни кўрсатган ягона Аллоҳ.

Биринчи бевафо дўст — бу дунёда тўрт кўлаб ёпишган бўлгимиз, пулимиз, мулкимиз. У дунёга чақирилган кунимизда энг биринчи тарк этадиганлар ҳам шулар.

Иккинчи дўст — ёримиз, фарзандларимиз, биродарларимиз,

қариндўш-уруғларимиздир. Улар маҳумама эшигига — қабр бошигача кўзатиб борадилар, кўз ёш тўқадилар, кейин ўз юмушларига қайтадилар.

Учинчи дўст — бу дунёда қилган яхшиликларимиз, зугуликларимиз, ибодатларимиздир. Бу дўст биздан олдин Ҳокимнинг олдида чикиб, фойдамизга гапириб, жазодан қутқаришга уринадилар...

Яхшилик тушунчаси ўзида дунёдаги барча яхши ишлар, амаллар, хайр-эҳсон, муомалаларни ҳам ўз ичига олади. Қурьони Ка-

лвучиларнинг сифатлари — кечалари номоз ўқувчилар, туннинг охирида Аллоҳ Таолодан мағфират сўровчилар, мол-мулкларидан муҳтожлар учун насиба ажратувчилардир, деб айтади. Энг яхши хулқ соҳиби пайгамбаримиз Муҳаммад (САБ)га эргашиб ҳам, бировини афв этиш — кечириб ҳам, сабр ҳам — эҳсон бўлиб, булар яхшилик қилувчиларнинг сифатларидандир, дейилади.

Қурьони Каримда қимларга яхшилик қилиш лозимлиги ҳам айтиб ўтилган. Энг биринчи бўлиб

айтмаслик, 3) ота-онага доимо эҳтиромда, иззат-хурматда бўлишлик, 4) уларга раҳм-шафқат кўрсатиб, олдилариди ўзини қамтар тутишлик, 5) уларга Аллоҳдан раҳмат тилаб дуо қилишликни ўргатибди. Ота-онадан сўнг узок-яқин қариндошларга, ака-опа, опа-сингил ва бошқаларга эҳсон-яхшилик қилиш ижтимоий турмуш яхшиланишининг шартларидан бири бўлиб, жамият учун нихоятда фойдалидур. Чунки жамият оилалардан тузилган.

Сўнгра Аллоҳ етим-есирлар, мискин, бечора ва бенаво одамларга яхшилик қилишни буюради. Чунки, улар моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож бўлиб, жамият ҳаётида муайян қатлами ташкил этадилар. Агар уларга моддий ёрдам берилса, жамиятнинг маънавий ахлоқи анча соғломлашади, айниқса етимларга бепарво қаралса, улар ёмон йўлга кириб, жамиятга зарар келтирувчи унсурга айланишлари мумкин.

Аллоҳ Таоло кўшиларига яхшилик қилишни буюради. «Ен кўшни, жон кўшни» деганларидек, бу яхшиликлар туфайли кўшилар, маҳалладошлар орасида муҳаббат кўчади, улар зугулик йўлида бир-бирларига ҳамкор, ҳам-жаҳат бўладилар.

Аллоҳ Таоло сафарда, ўқишда, ишда ва бошқа ҳолатларда ёнма-ён ҳамроҳларига, муҳтож мусофирларга яхшилик қилишни буюради.

Агар ҳамма Аллоҳ буюрган ишларни қилса эди, одамларда яхшилик қилиш сифати мукамал қарор топса эди инсон асрлар буйи орзу қилган жамият ва ижтимоий ҳаёт пайдо бўлар эди. Исломот таълимотида тўлиқ амал қилганга замонларда шундай жамиятлар бўлганини тарих тасдиқлайди. Ҳозир эса бундай жамият фақат Орзу.. бўлиб қолмоқда.

Фуломхон ҒАҒУРОВ

## ЯХШИЛИК ҚИЛ, ЯХШИЛИК

римда хайр-эҳсон билан қилинган яхшилик алоҳида таъкидланган: «Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (Аллоҳнинг бандаларига) эҳсон қил, ерда (зулму-зўравонлик билан) бузғунчилик қилишга уринмас».

Яхшилик қилувчилар ўзларида бир руҳий хотиржамлик сезадилар: кунинг лаззатини ҳеч нарсага тенглаб бўлмайди. Айни маҳалда яхшилик қилган кишиларнинг қалбига уйғонган муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром ҳам яхшилик соҳиблари қалбига саодат бахш этади. Ёмонлик эса икки томонга ҳам бахтсизлик келтириши аниқ.

Қурьони Каримда яхшилик қилиш мартабаси Аллоҳга ихлол қилиш билан тенглаштирилди, бу икки нарса мўмин кишининг энг яхши сифатларидандир, дейилади: «Хох эркак, хох аёл бўлсин — қимда-ким мўмин бўлган ҳолида яхши амаллардан қилса, ана ўша кишилар жаннатга кирурлар ва уларга заррача зулм қилинмас». «Ким бирон қиройли амал қилса унга ўн баробар қилиб (қайтарилир) Ким бирон ёмон иш қилса, фақат ўшанинг баробарида жазоланур ва уларга зулм қилинмас». Қурьони Каримда яхшилик қил-

ота-онага яхшилик қилиш лозим экан. Қурьон ота-онага яхшилик қилишни буюрибгина қолмай, уларга қандай муомалада бўлиш меъёрини ҳам белгиллаб берган: «Парвардигорингиз, ёлғиз Унинг ўзини ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онанингизнинг) бировини ҳар иккиси Сенинг қўл остиңда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сузаларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут — хокиор бўл ва «Парвардигорим, мени (улар) гўдақлик чоғимдан тарбиялаб ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин». деб (ҳақларига дуо қил)!

Қўринадики, Аллоҳ Таоло ота-онадан яхшилик қилишни ўзини ибодат қилишга яқинлаштириб, сўнгра уларга қандай яхшилик қилишни, хусусан, кексайиб қолганларида қандай муомалада бўлишни: 1) ота-онадан бирор гап ўтса, малол келиб «уф» демаслик, 2) уларни дилига озор этадиган сўз

### Мерос ҚОШҒАРИЙ ЗИЁФАТ ВА МЕҲМОНДОРЧИЛИК ОДОБЛАРИ

• Камбағални меҳмон қилинг. Бойларга хос зиёфатлардан баъзан парhez қилинг. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом «Камбағалларни чақирмай, бойларни чақириб қилинган таом ҳам бўлмайдиган таомдир» деб айтганлар. Яна бир шарт шуки, бир уйдан отасини чақирса, боласини ҳам чақирсин. Уларнинг яқин қариндоши бўлса кўшиб чақирсин.

• Меҳмонни яхши ҳурмат ва иззат қилинг. Сабаби, унинг иззати учун кулликдир. Тўртинчи кун унга тақаллуф қилмасангиз ҳам бўлади.

• Уйнинг ичини меҳмон учун гилламлир билан беэзанг, бу макруҳдир.

• Таомни меҳмонни куттирмай

тез келтиринг. Нон ва бошқа таомларни исроф қилманг. Дастурхонга кишиларга етарли нон қўйинг. Кўп қўйманг, бу нонни исроф қилиш ва хўрлаганлик билан тенг бўлади.

• Меҳмонни таомга ҳаддан зиёда зўрламанг, уч марта тақлиф қилинг.

• Меҳмонга фақат лаззатли таом егизинг. Агар таом оз бўлса, ўзингиз ҳам еб, меҳмонга кўпроқ егизинг. Меҳмон уйига кетмоқчи бўлса, ижозат бериб, то кўчагача ҳамроҳ бўлиб чиқинг.

• Уйда нима бўлса, меҳмоннинг олдига қўйинг.

• Овқатланиш вақтида ортиқча тақаллуф қилманг.



Умрбоқий обидалар.

### \* Ажаб дунё

## КОИНОТНИ «ТИНГЛАЙДИГАН» АСБОБ

Коинотнинг бирон бир ҳайида ердиги ўшаган ҳаёт борми деган савол анчадан бери кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб қилиб, ҳаяжонлантириб келаятганини ҳеч кимга сир эмас. Америкалик олимлар эса яқинда коинот бағридаги ўзга сайёраликларни ахтариб топишга мўлжалланган янги, қудратли асбобга эга бўлдилар. Гарвард университетининг Оқ-Риж обсерваториясига ўрнатилган бу асбоб ҳар 20 дақиқада

1400-1700 мего-герц частота-лар диапазонидаги 640 миллион каналларга «қулоқ тутиб, тинглашга» қодир. Бу Галактика орқали ўтадиган сигналлар кам тўсиққа учрайдиган доира бўлиб, ердан ташқаридаги маълумотларни қидириш дастури (СЭТИ) мутахассисларининг фикрига қараганда, ундан бошқа юлдуз тизимидаги «радиоҳаваскорлар» билан алоқа ўрнатишда фойдаланса бўлади.

Бундан ташқари, янги ускуна йилнинг 365 кун кеча-кундуз автомат равишда ердиги

ўшаш сигналларни навларга ажратиш, бир йил давомида эса юлдузли осмоннинг Гарварддан қўринадиган барча қисмларини «тинглаб» чиқиб имконини беради.

Америкадаги «Крисчен сайенс монитор» газетасининг таъкидлашича, ердан 150 ёруғлик йил масофасида жойлашган, Куёш тизимини эслатадиган бирон бир юлдузлар хабар юборилгудай бўлса, янги асбоб бу хабарни қабул қилиб олиш имкониятига эга.

Галактикадаги бошқа қар-

дошларни топишда энг кичик умид уйғонганлигининг ўзиёқ жуда кўп олимларнинг диққат-эътиборини ўзига маҳлиё қилиб қўймоқда. Шунинг учун ҳам мазкур дастур учун давлат маблағ ажратмай қўйган бўлишига қарамай, СЭТИ ўз фаолиятини давом эттириб қолмоқда. Гарвард университетининг ходими Пол Горовица ва радиоастраном Фрэнк Дрейклар коинотда ердан бошқа маданият мавжудлигига ишончлари қомил. Бу — тахмин, албатта.

Мукамал асбобларни янада такомиллаштириш эса ўзга сайёраликлар билан алоқа ўрнатиш имконини беради.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид Жўрабоев, Шўхрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АХМЕДОВ (Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Ёқубжон ХўЖАМБЕРДИ  
Бобохон ШАРИФ  
ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:  
Бўриной АХМЕДОВ

ОТАУЛИ  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шоҳруҳ АКБАРОВ  
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД  
Саид СИДҚИЛОВ  
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятта келган қўлхатлар (2 оралиқда, 5 бетдан ортиқлиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақодалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар эътиборида. Рўйхатга олин №000011. Ўйратма №Т-0227, 10874 нусxada чоғ этилди. Офсет усулида босилди. Бичини А-3, ҳажми 1 босма табак. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 12 3 4 5 6

## ЮСУФЖОН КИЗИК ҲАНГОМАЛАРИ КИМ КЎПРОҚ БЕРАДИ

Юсуфжон қизикдан анчагина пул олган қарздор одам унга кўп вақт чап бериб юрди. Нихоят, Юсуфжон қизик унинг уйига бордию, қарзни қистагча мажбур бўлди.

— Қори ака, ҳўв, қори ака, — дарвоза олдида туриб, одоб билан чақирди Юсуфжон қизик. Қарзни қистаб келганини сезган қарздор жавоб бермай, етти ёшги ўглини имлаб чақирди.

— Чиқиб, дадам уйда йўқлар, дегин.

Угли қайсарлик қилди: — Нега ёлгон гапирман? Дадам борлар, дейман.

— Агар дадам йўқлар десаң, ўн тўнги бераман, — деди қарздор ўглига.

Угли рози бўлиб, кўчага югурди.

— Дадам йўқлар, — деди бола.

Ҳамма гапдан хабардор бўлган Юсуфжон қизик болани эрқалати:

— Ақли йигит экансан. Агар дадам борлар, уйда беркиниб тийрибдилар, десаңг йиғирма ўтинни бераман.

Қувониб кетган бола қичқириб юборди:

— Дадам уйдалар, «Мени йўқ дегин» дедилар.

Юсуфжон қизик болани етаклаб, дадил уйга кириб борди...

## СЕН ОМОН БЎЛ

Содир айно деган одамнинг дастидан ҳамма безор бўлганди. Юмалоқ хат, аризабозлик, тухматчилик, муттаҳамликда устаси фаранг эди. Бир кун Содир айно Юсуфжон қизикқа шикоят қилди.

— Қаранг энди, уста. Мен нима ёмонлик қилибманки, маҳалламдагилар менга хўрайиб қарашади.

— Хўрайса-хўрайверсин. Сен омон бўл, — деди Юсуфжон қизик Айнонинг елкасига қоқиб. — Сен омон бўлсанг, маҳаллага бало яқин йўламайди.

— Нега?  
— Чунки ҳар қандай келган бало сени кўриб, пири-миш шу ерда экану деб ўзини олиб қочади.

## КАРНАЙЧИ ВА ҒЎРА

Охунжон сассиқ деган бой карнай овозини яхши кўрарди. Тўй қилиб, теварак-атроф музофотдаги борлиқ карнайчиларни топириб келди. Эртдан кечгача ўттиз-қирқ карнайнинг овози маҳалла-қўйин ларзага келтирди. Қулоқлар қоматга келди. Беморлар безовта бўлдилар. Қариялар қулоқларига пахта тикиб олди.

Юсуфжон қизик қараса, тўй яна икки-уч кун давом этади. Боққа чикиди-ю беш-олти усмирни чақириб, ғўра тердирди. Унчага болага бир ҳовуддан тарқатиб, карнайчиларнинг рўпарасига ўтқазиб қўйди. Узи ҳам ўртага турволиб, болалар билан кўп қисиб, ғўра еяверди. Озгидан сувни келган карнайчилар қалишдан тўхтади.

